



ТОШКЕНТ ХАЖИКААТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

● 1991 йил 25 май ● шанба ●
№ 99 (10.095). ● Баҳоси 10 тийин.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига МУРОЖААТНОМА

Хурматли ватандошлар! Азиз оталар ва оналар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, икки жумҳурият раҳбарлари 1990 йил июнидаги Фожияли воқеалар бир йиллигида бегуноҳ ҳалок бўлганларни хотирлаб, сизлар билан биргаликда қайғурмоқдамиз, уларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва барча жабрдийдаларга, зўравонликка дуч келганларга самимий ва чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Биз шунини қатъий айтаемизки, юз берган воқеада қирғиз халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам айбдор эмас. Биз барча аҳолига, айниқса, икки жумҳурият ёшларига мурожаат қилиб, уларни сабр-бардошли бўлишга, бир дақиқа-ли кайфият ва ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка чақирамиз.

Фожияли воқеаларнинг ўз сабаблари бор, уларнинг илдизлари қолоқ иқтисодига, аҳоли турмуш даражасининг пастлигига, маънавий қадриятларнинг, ижтимоий ахлоқ ва одобнинг бузилганига бориб тақалади. Бундай вазиятда кўп одамлар, айниқса, ёшлар ночор ва ноилоҳ аҳволга тушиб қолди, эртанги кунга ишончини йўқота бошлади. Қора кучлар қора ишнни қилди. Оналар ва рафиқаларнинг аччиқ кўз ёшларини, эркакларнинг қаҳрли юзларини ҳали ҳам кўриб турибмиз, ўша даҳшатлар ҳали ҳам болаларнинг кўз ўнгидан кетмаган. Қалблардаги аччиқ аламлар ҳали ўтиб кетгани йўқ, жудолликка ҳали ҳамма ҳам кўниккан эмас. Шунга қарамай халқларимизга хос бўлган сабр-бардош ва донолик кўрсатиб, бардам бўлишимиз керак, алам ва ғазаб билан тинчлик ва осойишталикни тиклаб бўлмайди. Фақат ярашиш, тоғувлик ва ҳамжихатлигига хотиржам ишдаш ва яшаш, келажакка ишонч билан қараш имконини беришни ёдда тутиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Қирғизистон жумҳуриятида бузилган иморатларни тиклаш, аҳо-

лига етказилган зарарни тўлаш, фожияли воқеаларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш, вазиятни изга солиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Бунда Ўзбекистон меҳнаткашлари катта ёрдам бермоқдалар. Лекин бу борада яна кўп иш қилишга тўғри келади.

Экстремизм ва миллатчилик кўринишларига қарши мurosасиз курашиб келганлигимизни ва бундан буён ҳам кураш олиб боришимизни, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўзимизнинг бош вазифамиз, деб ҳисоблашимизни биз яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ўзбеклар ва қирғизлар қардош халқлардир, уларнинг дини ҳам бир, минг йиллик тарихи ҳам муштарақ, тиллари ва анъаналари ҳам ўхшаш. Бу қардош халқларнинг ўзаро муносабатларида ҳамма нарса чамбарчас боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиб ташлашга уриниш — қон-қардошларни бир-биридан ажраттишга уринишдир.

Ҳозирги пайтда халқларимиз ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро мадад ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бизни кутаётган оғир синовларга фақат биргаликда куч-гайрат сарфлаш билангина бардош бера оламиз. Бунинг учун мустақам замин яратилган.

1991 йил март ойида Уш шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Қирғизистон Жумҳурияти ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки халқ, икки мустақил жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтаради ва катта истиқболлар очиб беради. Шартнома одамларимизнинг муносиб турмушини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириши, кучимизга куч қўйиши лозим. Келинлар, ана шу олижаноб мақсад йўлида шу шартнома руҳида биргаликда яшайлик ва меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Қирғизистон Жумҳуриятининг Президенти
А. АҚАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

24 май кунини Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширишти муносабати билан нутқ сўзлаб, Компартия ҳозир республикадаги энг оммавий сиёсий ташкилот эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Компартиясининг ХХII съездида қабул қилинган Устави ва ҳа-

ракат дастури коммунистларнинг жамиятдаги ролинини оширишга, ижтимоий-сиёсий турмушни барқарорлаштиришга қаратилган. Партия бошқа жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ниятида.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари,

партия фахрийлари, республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Шу кунини бошқа бир қанча ташкилотлар — Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятига, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига, Киносанъатчилар уюшмасига, Дизайнерлар уюшмасига, Аҳмад Ясавий номидаги Ногирон болаларга ёрдам республика хайрия жамғармасига уларнинг усталари рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги М.Б. М. Маликов топширди. (ЎЗАТАГ).

ТОШКЕНТ ТРАКТОРСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

24 май Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган СССР Бош вазири В. С. Павлов учун жуда тизгили ва қизғин кун бўлди. У Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан биргаликда эрталаб «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.

Ўрта Осиёдаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири ташриф учун танланганлиги тасодиф эмас. Бирлашманинг кўп минг кишилик жамоаси ҳозир мураккаб шароитга тушиб қолди. Хўжалик алоқаларининг бузилганлиги, маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар, ҳамма жойда шартномаларнинг бузилганлиги машинасозларга оғир зарба бўлиб тушмоқда. Мамлакат Бош вазири МТ 3-80Х ва Т 28-К4М маркали гилдиракли тракторларни тайёрлаш билан шуғулланаётган механика-йиғув цехларининг ишчилари билан шу ҳақда очиқчасига ва манфаатдорлик билан суҳбатлашди. Ишчилар, мастерлар, хизматларнинг раҳбарлари бир вақтлар юксак ривожланган корхона ҳозир боши берк кўчага киргандек вазиятга тушиб қолгани тўғрисида куюниб гапирдилар. Металл, моторлар, резина-техника буюмлари ва бошқа буюмлар йўқ. Холбуки, мамлакатдаги 750 корхона Тошкент машинасозлари билан кооперация асосида ишламоқда.

Юз берган вазият қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига гоёт салбий таъсир қилмоқда. Машинасозлар пахтакор жумҳуриятларнинг жамоа ва давлат хўжаликларига, ўзларининг асосий шериклари ҳисобланган ва пахта териш комбайнлари ишлаб чиқараётган «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига техника етказиб беришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлмоқдалар.

Бу йил бирлашма меҳнат жамоаси 750 минг сўм соф фойдадан маҳрум бўлди. Бу — хўжалик алоқалари бузилганлигининг табиий яқунидир. Соф фойданинг камайиши ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Ишлаб чиқариш ходимлари билан учрашувда улар бирлашма истиқболли билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб қилдилар. Бу аввало қуюв цехига ва асосий ишлаб чиқариш цехларини янгилашга тааллуқлидир. Бу муҳим тадбирларни амалга ошириш учун маблағ ҳам, материал ҳам йўқ. Шу сабабли бирлашманинг келажаги ноаниқ бўлиб қолмоқда. Бу ерда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тангликдан чиқишга ҳаракат қилинмоқда: маҳсулот етказиб бериш билан етказиб бериш негизидан ахдлашиб олинмоқда,

тракторларнинг истиқболли моделлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан завод конструкторлари қуввати 10, 15 ва 25 от кучига тенг митти тракторлар яратдилар. Бундай тракторлар фермер хўжаликларига кенг қўлланилади, деб ҳисоблашмоқда. Истиқболли техника осма иш қуролларининг бутун бир мажмуи билан таъминланган.

Бу йил бирлашма жамоаси Минск моторсозлари билан биргаликда қуввати 100 от кучига тенг бўлган тракторларнинг тажриба туркумини ҳам ишлаб чиқармоқчи. Бундай машинани қишлоқда кўндан буён кўтиришмоқда. Шунга қарамай, учрашувда таъкидлаб ўтилганидек, Иттифоқ хўкуматининг ёрдамисиз, пухта ўйланган аниқ дастурсиз тангликдан чиқиб олиш қийин.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов машинасозларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой билан таъминлаш, кафолатли иш ҳақига доир кўп саволларга жавоб қайтардилар. Одамлар меҳнатчилар ва уларнинг оилалари аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни тағин ҳам шошилинчроқ чоралари зарурлиги ҳақида, бозор муносабатларига ўтиш турмушни қийинлаштирмаслиги лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашувдан сўнг жумҳурият пойтахтидаги энг йирик «Москва» озиқ-овқат магазинини бориб кўрдилар.

Ҳозир бошқа жумҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари асосан талонга мувофиқ тақсимланмоқда. Тошкентликлар озиқ-овқат билан қанчалик таъминланмоқда, бу муҳим масалада ижтимоий адолат қондасига риоя қилинганми? В. С. Павлов шу ҳақда магазин раҳбарлиги, сотувчилар, харидорлар билан суҳбатлашди. СССР Бош вазири билан суҳбатда тошкентликлар талон жорий этилиши, шубҳасиз, сўнгги чора эканлигини айтдилар. Лекин ҳозирги вазиятда шундай қилиш зарур. Чунки Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган миқдорда сотиш чоралари уларнинг нархлари оширилишига йўл қўймайди, бундай маҳсулотларни албатта сотиб олишга кафолат бўлади.

В. С. Павлов Тошкентдаги жуда кўп сабзавот магазинларидан бирига кирди. Яқин атрофдаги жамоа хўжаликлари ва шўро хўжаликлари билан пештахтага келтириладиган маҳсулотнинг сифати ва нархи билан қизиқди. (ЎЗАТАГ).

• Долзарб мавзуда очиқчасига

ТАЖРИБАЛИ, кўпни кўрган чорвадорларнинг айтишига қараганда кўй ўз йилдан кўркам, дер экан. Рамзий маънода айтилган бу гапта жон борга ўхшайди. Баҳор кечкиб келгани устига кўнлар ҳам ҳозирги пайтда ҳадеганда исиб кетмапти. Ҳаводан булут аримай қолди. Ёмғир устига ёмғир. Сел-жала бўлиб турибди. Экинлар росоладаги ҳароратни ололмапти. Ривожни суст. Лекин қийинчиликларни енгишга ўрганган деҳқон — боғбонлар тажриба маҳоратларини ишга солиб, эпини қилмоқдалар. Бозор ва дўкон пештахталарида эртаки сабзавот маҳсулотлари кўпайиб қолди. Деҳқонга ер, қўшимча томорқа берилганлиги ҳар ҳолда ўзининг самарасини кўрсатмоқда. Маҳсулот кўп бўлса, ўнни кўриб бирини оласиз. Ҳар ҳолда арзон бўлади. Утган йили нарх-наво ошмаган пайтда қандай нарх бўлса, ҳозирги пайтда ҳам қулупнайни ўша нархда 2,5—3 сўмдан сотиб олаялмиш.

Хўш, хўжаликлар не-не машаққатлар билан етиштирилган маҳсулотлар бу йилги бозор иқтисодиёти шароитида давлат буюртмаси, бозорга сотувга чиқариладиган қандай нархда олинади. Сарф-ҳаражатларни қоплайдими? Деҳқоннинг ўзи ҳам кўнглидагидек наф кўрадимиз!

Биз шу савол билан вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг сабзавотчилик, мевачилик бўйича ўринбосари Баҳром НОСИРОВАга мурожаат қилдик.

— Маълумки, — деди у, — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридеги Вазирлар Маҳкамасининг республика фондига етказиб бериладиган мева, сабзавот маҳсулотларининг энг юқори шартномавий нархлари ҳақидаги қарори эълон қилинганига анча бўлди. Бундай қараганда қарорда деҳқонга ён босилгандай, қайишилгандек бўлади. Лекин, у қай даражада? Буни келажак, йил якунлари кўрсатади. Лекин бир нарсани биз ташвиш билан айтишимиз мумкин. Даромаддан олинмаган 37 фоизли солиқ ва бошқа ички-ташқи харажатлар, ҳар хил ажратма маблағларни ҳисобга оладиган бўлсак, фойда тўғрисидаги гаплар гапличка қолмасе деб ҳавотирдемик.

— Мисоллар келтиринг-чи. — Нарх тўғрисида фикр юритадиган ва мушоҳада қиладиган бўлсак, аввало гапни иккинчи номимиз — картошкадан бошлаш қолай. Бу йил вилоятимизда 8 минг гектар майдонга картошка экиш режалаштирилган. Ҳозиргача 6 минг гектардан ортиқ майдонга экилди. Ҳар йили четдан етарли уруғлик олиб келиниб, кузда ғамлаб қўйиларди. Лекин бу йил айрим беғам раҳбарлар туйфайли бундай қилолмадик. Уруғ камроқ бўлиб қолди. Бунинг устига «Сортсеговош» ваздасини бажармади. Узимиз елиб-югуриб ҳаракат қилишга тўғри келмоқда. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Ҳозирги кунда ҳам Омск, Кўкчатов ва бошқа шаҳарлардан уруғлик картошка олиб келмоқдамиз.

— 1 килограмми қанчаданга тушарди?

— Йилги ҳар килосини 45 тийиндан сотиб олардик. Энди бўлса хоҳласанг ол, бўл-

билан енгишга ҳаракат қилаяпти. Сифатли, режадагидан кўпроқ маҳсулот етиштирсам деяпти. Харид нархи ва сотувга чиқариш ҳамда қайта тайёрлов корхоналарига топшириш нархи уни қаноатлантирадимиз! У маҳсулотини бажонидил топширадимиз!

— Нима десам экан, мен рақамларни айтмай, хулоса чиқариб олиш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Четга чиқариладиган маҳсулотларнинг харид нархи бир қадар дуруст. Фойда кўрса бўлади. Мен бу ҳақда батафсил тўхтамайман. Ички нархларимиз ҳақида фикрлашайлик. Картошкани олайлик. Бу маҳсулотнинг нархи 11 июндан 20-июнгача бўлган давр орасида 1 килограмми 55 тийин, 21 июндан 31 декабргача эса 50 тийин қилиб белгиланган. Тўғри, бу ўринда кўпчилик истеъмолчиларнинг манфаати кўзланган. Бироқ, деҳқонлар бу кам-ку, дейишяпти. Бунда улар ҳозирги сотув нархи ўтган йилнинг шу вақтидаги-

маҳсулотини жуда паст нархда топширишни хоҳламайди. Шундай бўлгач, ҳар жиҳатни ҳисобга олиш керак эмасми?

Бизни ҳам шу нарса ўйлантиради, ташвишга солади. Лекин нима ҳам қилардик. Деҳқонларга тушунтиришга ҳаракат қилаймиз.

— Бироқ илгариги пайтлар ўтиб кетди. Ҳозир қуруқ гап ҳеч кимга ёқмайди.

— Тўғри айтасиз, бу ёғи ҳам бор.

— Мева-чеванинг нархи ҳақда нима дея оласиз?

— Очиғини айтсам, бу менинг шахсий фикрим. Бу соҳада ҳам боғбон меҳнатининг машаққати ҳар жиҳатдан сарҳисоб қилинмаган деб ўйлайман. Қаранг, эртаки биринчи нав олманинг нархи 50 тийин, иккинчи нави 40 тийин, ўтган йили ҳам деярли шунга яқин эди. Бу кам албатта. Аслида-ку, узум, олхўри, шафтоли сингари меваларнинг нархи ҳам қаноатланарли эмас. Майли бу

Лекин сотувга чиқариладиган нархи бор-йўғи 80 тийин қилиб белгиланганлиги кимга хуш ёқадил!

— Сўзларингиз, фикрларингиз ўринли. Кўпчилик боғбонларнинг дилидаги гаплар бу. Албатта мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришса яхши бўларди.

— Биз ҳам шундай деб умид қиламиз

— Яна бир муаммо. 1991 йилда етиштирилмаган картошка, сабзавот, мева ва узумнинг камиди 60 фоиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ республика фондига топширилиши керак. Бу давлат буюртмасига тенг. Қолган қисмини эса колхоз ва совхозлар ўз ихтиёрлари билан республикамизда шунингдек, ундан ташқарида эркин нархларда сотадилар, деб айтилган ҳамда шу билан бирга улар маҳсулот алмаштириш асосида моддий-техника ресурсларига ҳамда ускуналарга айри-бошлашлари мумкин. Бироқ гап гапличка қоляптики. Деҳқонларга шуниси алам қиляпти. Яқинда мен сабзавоткор хўжаликларидан бирида бўлганимда не-не машаққатлар билан етиштирилган боғдорлар оморда тўпланиб қоляпти, эрта-инди сув бўлиб оқа бошлайдилар, нобуд бўлади деб нолишди. Чунки четга чиқаришмаяпти. Ҳаммаёққа миллионерлардан иборат назорат постлари қўйиб қўйилган. Улар 1 килограмм маҳсулотни ҳам ўтказишмайди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти. Билмаганлар айбни бизга қўйишлари мумкин. Лекин биз ҳаракат қилаялмиш, елиб-югуришамиз. Оворагарчилиги, сарсонгарчилиги кўп бу ишнинг. Деҳқонни хит қилиб юборади. У ташкилотга учраш, бу ташкилотга учраш, унисдан рухсат ол, бунисига қўл қўйдир ва ҳоказо. Охири бозор бўлиб, боре деб қўл силтаб юборишга мажбур бўлади. Бундай тўсиқларни тезроқ олиб ташлаш керак. Мана қарамни олинг, ҳозир у Тошкентдаги савдо дўконларида қерагидан ортиқча бўлиб кетди. Урама қилиб истеъмол қилай десангиз гўшт ҳам йўқ. Лекин шунга қарамасдан қарамни ҳам ҳозирча четга чиқаришга рухсат беришмаяпти.

— Сўхбатингиздан маълум бўлдики, сизларнинг ҳам ташвишларингиз ўзларингизга етиб ортар экан. Сизларга сабр-тоқат, қатъиятлик истаймиш.

— Раҳмат. Лекин қарс икки қўлдан. Хўжалик раҳбарлари ҳам олма пиш, оғзимга туш демасдан ҳақ-ҳуқуқларини астойдил талаб қилиб, курашишлари, ҳаракат қилишлари керак бўлади. Ана шунда иш юришади.

Сўхбатдош

Н. РИХСИЕВ.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

ҲОЗИРГИ БОЗОР ИҚТИСОДИ ШАРОИТИДА КАРТОШКА, САБЗАВОТ, МЕВА ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРИ САРФ-ҲАРАЖАТЛАРНИ ТўЛА ҚОПЛАЙДИМИ?

маса йўқ. 70—80 тийиндан деб туриб олишяпти. Мажбуримиз. У ён бу ён ҳаражатлари ҳам йўқ эмас. 1 килоси 1 сўм ва ундан ҳам ошиб кетади.

— Узини оқлайдими!

— Ҳамма гап шунда-да. Қолаверса, бу деҳқонларнинг тадбиркорлиги ва маҳоратига боғлиқ. 1 гектар ерга 4 тонна уруғлик сарфланади. Кейинги йилларда ҳосилдорлик 70—80 центнерга тушиб қолди. Агар бу кўрсаткични кўтармасак, албатта, ўзини оқламайди. Шунинг учун ҳар гектаридан камиди 160—200 центнердан ҳосил олиними шарт. Бу соҳада катта иш олиб борилмоқда. Вилоятимиз раҳбарлари бу ишга қаттиқ киришганлар. Шу пайтгача икки мартаба деҳқонлар, мутахассисларни йиғиб, улар билан бу масалада очиқчасига мулоқот ўтказилди. Фикр-мулоҳазалари эшитилди. Деҳқонлар колорадо кўн-ғизи ҳосилини еб қўётганлигидан нолидилар. Унга қарши кураш чоралари кўчатирилди.

— Булар тушунарли. Сабзавотчиликда аҳвол қандай бўляпти. Ҳозирги пайтда деҳқон жонини жабборга бериб, қийинчиликларни чидам ва сабот

га қараганда арзимаган миқдорда оширилганлигини кўзда тутайтган бўлсалар керакда. Иккинчидан, илгари давлат бюджетдан дотация бериларди. Ҳозир эса йўқ. Узингни ўзинг эпла дейишяпти. Нархнаво 3—4 баробар ошганини ҳисобга олишмайди. Деҳқонларга берилмаган тўловнинг ўзига озмунча пул сарфланмайди-ку. Ҳисоблаб чиқдик. 1 гектарга тўлов учун 700 сўм кетади.

Энди помидорни кўрайлик. Бу маҳсулотни 16 июндан 1 августгача қайта ишлаш корхоналарига топширилмаган нархи 25 тийин. 1 августдан кейин эса 20 тийин қилиб кўрсатилган. Бу ерда айрим ҳолатлар ҳисобга олинмапти назаримда. Масалан, ҳар йили октябрь ойларида ҳаво кескин ўзгариб совуқ бўлади. Бунинг оқибатида помидорга зиён етади. Уни териш, тайёрлаш мушкуллашади. Бундай шароитда, албатта, деҳқон помидорни бор-йўғи 25 тийинга топширишга оғринади-да. Яхшиси бозорга олиб чиқиб сотган маъқул, дейди. Ҳар хил эгри қўлликлар, тартибсизликлар рўй беради. Июнь ойида бозорда 1 килограмм помидор эса 2—3 сўмдан кам бўлмайди деб бемалол айтиш мумкин. Албатта бундай пайтда деҳқон

ҳақда гапирмай қўяқолайлик. Одамлар бошқача фикрда бўлишмасин тағин. Бироқ, халқимизда инсоф сари барака деган нақл ҳам бор-ку. Пичоқни олдин ўзинга ур, оғримаса бировга. Боғбон ўзига керакли воситаларни 3—4 баробар қиммат нархга сотиб олаётти-ку. Майли, ким нима деса десину, бозорларда нархи 5—6 сўмдан тушмайдиган, бу йил айрим пайтларда 15—20 сўмга чиқиб кетган номининг олий нави 80 тийин, пасти нави 70 тийин қилиб белгиланганлиги тўғрими? Ахир нок жуда нозик мева. Вақтида қараб турмасангиз, йўлини билмасангиз шире тушиб кетиб, қуриб қолади. Машаққатидан қочиб, кўплар нок ўстирмайди.

Гилосни ҳосилга киритиш, қушлардан асрашнинг ўзи бўладими? Утган йили бозорда унинг 1 килограмми 5—6 сўмдан сотилган эди. Бу йил 15 сўмга чиқиб кетди. Қани инсоф билан айтайлик-чи, шундай бўлгач, қайси боғбон етиштирилган гилосини давлатга бор-йўғи 1 сўм, нари борса 1,20 тийиндан сотади. Хўжаликларда гилосзорлар йўқ бўлиб кетаётганлиги, янгилари жуда сустлашгани билан ташкил этилаётганлигининг сабаби шундан эмасмикин? Олчани теришдан машаққатли иш йўқ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Универсал парта

Шундай инсонлар бўладики, касб-кори, ўз ишини астойдил севади. Бу йўлда фидойилик кўрсатиб, сидқидилдан меҳнат қиладилар.

Ғани Икромов ҳам мана шундай касбига меҳр қўйганлардан. У киши Калинин районидеги И. Охунбоев номли 8-ўрта мактабда 34 йилдан буён расм ва чизмачиликдан дарс беради. Мана шу давр мобайнида у қўллаб шогирдлар етиштирди. Уларнинг айримлари таниқли расом сифатида тан олинди.

Ғани акада мусиқага қизиқиш катта. У ўз ўқувчиларини ҳам санъатни севишга, унга меҳр қўйишга ўргатади.

Яқинда Ғ. Икромов расм, чизмачилик ҳамда мусиқа

дарслари учун мослаштирилган универсал парта ихтиро қилди. Албатта, у бу ишни ёлғиз ўзи, ҳеч кимнинг кўмагисиз бажарди. Мазкур парта ўқувчи учун жуда қулай бўлиши билан бирга завод-фабрикаларда тайёрланадиган парталардан анчагина муштақкам ҳамда арзонга тушади.

Универсал мослаштирилган парта ўқувчилар билмининг пухта, самарали бўлиши ва бажариладиган иш аниқлигини ҳам оширишга хизмат қиладилар.

Ушбу янгиликдан билми-гоҳ ҳамда мактабларда кенг фойдаланилса жуда яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

О. РАЗЗОҚОВ.

ҚОНУНИЙ ХУҚУҚ БЕРИЛДИ

23 май куни СССР Адлия вазирлигида бир қанча жамоат ташкилотлари рўйхатга олинди. Жумладан, Уруш фахрийлари Совет комитети, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Совет жамиятлари уюшмаси, Совет маданият жамғармаси, Театр режиссёрлари уюшмаси, СССР ижодкорлар академияси, СССР спортчилари уюшмаси, Бутуниттифоқ иқтисодиёт жамияти, Милицияга кўмаклашиш Совет кайрия жамғармаси ҳуқуқий шахс ва Бутуниттифоқ ташкилотлар мақомига эга бўлди.

Азиз муштарийлар!

МАЪЛУМИНГИЗКИМ, рўзномамиз саҳифаларида эски ўзбек ёзуви бўйича сиртқи ўрганиш дарслари — «Алифбе сабоқлари»дан чоп этаётган эдик. Мухарририятимиз аъзолари Сиз муштарийлар таклифи билан, шунингдек мазкур ёзувни ўргатувчи ойнаи жаҳон кўрсатувлари мавжудлигини, эски янми бўйича қўллаб қўлланмалар чоп этилганлигини ва ўрта мактабларга бу сабоқфан сифатида киритилганлигини ҳисобга олиб, рўзнома орқали берилмаган «Алифбе сабоқлари»ни тўхтатишга қарор қилди. Тўғри, эски ўз-

бек ёзувини ўрганишга иштиқоманд кишилар кўп. Шу бондан биз уларга «Эски ўзбек ёзуви», «Мустақил ўрганишчилар учун» қўлланмаларидан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Рўзномамиз саҳифаларида шу кунгача 10 та дарс эълон қилинди. Ушбу сабоқларни ўз вақтида тайёрлаб, рўзномада эълон қилиб борган М. Абдулхайров ва Р. Жуманиёзов ўртоқларга муҳарририятимиз миннатдорчилик изҳор этади.

РЎЗНОМА МУХАРРИРИЯТИ.

Воқеа изидан

Давлат хавфсизлик қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига келиб тушган навбатдаги ариза ҳатто тажрибали чекистларни ҳам ҳайрон қолдирди. Унда баён этилган мавзу замонавий детективнинг янги турини кашф қилган эди. Фақат олди-қочди асарларда кульминация нуқтаси унинг ниҳоясига бўлиб, сир айнан охирида очилса, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада эса барча қаҳрамонлар пардасиз, очиқдан-очиқ ҳаракат қилганлар.

Воқеа эса мана бундай бўлган эди. Ўзбекистон комсомоли Марказқўми қошида фаолият кўрсатаётган «Ниҳол» республика илмий маркази пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича бир қанча муваффақиятли тадқиқотлар ўтказди. Бу тадқиқотлар ўтказди. Бу тадқиқотлар ўтказди. Бу тадқиқотлар ўтказди.

1990 йилнинг апрель ойида улар Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозини билан бир битимга келишди. Колхоз ва «Ниҳол» маркази раҳбарлари имзо чеккан шартнома матни оддий. «Ниҳол» вакиллари пахта майдонида марганец ўғити берилиши бўйича агрохимик ишлар олиб бордилар. Натижада ҳосилдорлик ошди. Ана шу ошган ҳосилдорликдан кўрилган фойда «арра» қилинади.

Шуни айтиш керакки, марганец ўғити солиниши ҳақиқатдан ҳам баъзи жойларда илҳомли натижа берди. Айрим бригадаларда ўғит берилган майдонда, контроль майдонга нисбатан ҳар бир ғўза тупида 1-1.5 кўсак ортиқ бўлди. Натижада ҳосилдорлик ошди ва бундан ташқари маълум миқдорда азот ўғити тежалди.

Бироқ, фақат баъзи жойлардагина ана шундай бўлди. Колхоз миёсиди эса фойда қўтилганича бўлмади. Ғалвир сувдан кўтарилганда иқтисодий самарадорлик бор йўғи 4000

ШАРТНОМА УСУЛИДА... РЭКЕТ

сўмни ташкил қилганлиги маълум бўлди. «Ниҳол» вакиллари кўрсаткичлар билан қизиқишганда, колхоз бош бухгалтери уларга керакли қўғозларни кўрсатиб шартнома мажбуриятини ҳам эслатиб ўтди. Юқорида айтганимиздек, энди фойданинг ярми, яъни 2000 сўм «Ниҳол» ҳисобига ўтказилиши лозим эди.

Ил давомида қўтилган «олтин тор»нинг саробга айланиши албатта марказ ходимларини қониқтирмасди. Улар ҳам ўз ҳисоб-китобларини жамлаб миқдорни 13 минг сўмгача кўтаришни сўрашди.

Бир битимга келиш мушкуллашди. Колхоз бош бухгалтери билан марказ вакили («детектив» бўлганлиги учун ҳам фамилияларини айтмаймиз) деярли ҳар ку-

ни телефон орқали хабарлашиб туришди. Ниҳоят...

«1991 йилнинг 24 апрелида мен энди ишни тугаллаб уйга кетишга ҳозирлик кўраётган эдим. Шу пайт колхоз идораси ёнига «Жигули-06» машинаси келиб тўхтади. Унда «Ниҳол» вакили тўрт бегона йигит билан ўтирган эди. Биз сўрашдик. Мен болам ва ўртоғимни уйга қўйиб яна қайтиб келишимни айтдим. Улар рози бўлишди. Уйдан келаятганимизда ўша машина қаршимдан келиб тўхтади. Ундан ники йигит тушиб

ларини баён қилишди: мен «Ниҳол» ҳисобига... 100.000 сўм ўтказишим лозим экан. Бироқ фикрларим ҳақиқатдан йироқлигини тез орада пайқашди чоғи, миқдорни 45 минг сўмга туширишди. Рози бўлишдан бошқа иложим қолмади. Шундан сўнг йигитлар мени «Жигули»га ўтказишди ҳамда автостанцияга олиб боришди.

Шу кунни йигитлар машинамини олиб қўлишди. Мен «Самарқанд» автостанциясидан автобусда жўнаб кетдим. Уларнинг қўйган талаби шундай эди: 3 май

ишига орган ходимлари биринчи марта дуч келишлари эди. Бироқ барча иш аниқ ва пухта бажарилди. «Ниҳол» вакили дарров топилиди ва ўзи учун яхши кечмаган суҳбатга қақирилди. Чекистлар воқеани жиддий ўрганиб чиққанларидан сўнг хулосага келишди. Ёши, аспирантлиги, бообру оилданлиги ва энг муҳими биринчи бор бу ишга қўл урганлиги инobatта олинди у қаттиқ огоҳлантирилди. Ў ёрдамга қақирган шерикларининг фаолияти эса ҳали ўрганилмоқда.

Биз «детектив» батамом ниҳоясига етгандан сўнг уни муштарийлар ҳукмига ҳавола қилсак ҳам бўларди. Бироқ, шонилганимизнинг сабаби бор. Бизга маълум бўлишича, қўғориданига ўхшаган шартномага вилоятдаги кўпгина колхоз ва совхоз раҳбарлари ҳам имзо чекишган. Албатта, илмий асосда фойда олиш ортиқчалик қилмайди. Аммо томонлар бир-бирларини яхши билишадими? Ким билан иш олиб бораётганларини ўрганишганимиз? Ҳар ҳолда ўртада нозик масала — пул турибди.

Шу муносабат билан ДХҚ огоҳлантиради: иқтисодий шартномани имзолаётганда етти ўлчаб бир кесинг. Керак бўлса мутахассислар билан маслаҳатлашинг. ДХҚ ходимлари қўларидан келган ёрдамларини аяшмайди. Ҳар қалай ишни пухта қилган яхши.

И. АХМЕДОВ.

менинг машинамга ўтиришга қарор қилишганини айтишди. Мен рози бўлиб, идора томон кетаётганимизда улар машинани тўхташганини сўрашди. Машина тўхташи биланоқ улардан бири қалитни олиб қўйди ва мендан орқа ўриндиққа ўтиришимни талаб қилди. Улар машинага эга бўлганларидан сўнг Термиз — Тошкент трассасига (Катта ўзбек тракти демоқчи. — И.А.) бурилиб, Тошкент томон ҳайдаб кетишди. Маълум вақт ўтгач, иккинчи машина ҳам бизга етиб олди. Тошкентга яқинлашгач, биз Ҳалқа йули орқали Талабалар шаҳарчаси томон кетдик. Шаҳарчага кирмасдан сал берирокда, қурилиш кетаётган жойда секнлашдик. Шу ерда йигитлар мақсад-

куни соат 12 да мен автостанцияга «Ниҳол» ҳисобига 45 минг сўм пул ўтказилганлиги тўғрисида банк ҳужжатини олиб келишим керак. Ана шундан сўнггина машинамини қайтариб олишим мумкин.

Мен колхозга қайтиб келгач, раис билан маслаҳатлашдим ва сизларга мурожаат қилишга қарор қилдим. Йигитларни кўрсам танийман, тўртталаси ҳам ўзбек. Уларнинг энг каттаси 30 ёшлар атрофида, қолганлари 20—25 ёшли йигитлар. Улардан бири мента ташланб урмоқчи бўлганда каттаси «керак эмас» деб тўхтатиб қолди. Бўлмаса...»

Мана, ўша ҳаммани ҳайрон қолдирган ариза. Шартнома усулида рэкет

РУЗНОМАГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

- ХАБАРЛАР
• ТАКЛИФЛАР
• МУЛОҲАЗАЛАР

КЕЛИШУВ АСОСИДА

«АНГРЕН» шўро хўжалиги қардош жумҳурийатларнинг бир неча шаҳарлари билан ўзаро маҳсулот айирбошлаш тўғрисида шартнома имзолади. Жумладан, келишувга мувофиқ жорий йилда ангрениклар РСФСРнинг Магадан шаҳри аҳолисига 120 тонна помидор, 60 тонна узум, 102 тонна олма меваси етказиб берилади. Шунингдек, Белоруссия ССРнинг Минск шаҳри аҳолисига ҳам 1000 тонна пиёз етказиб бериш кўзда тутилган. У. ЖУРАЕВ.

ҲАМЗА УМАРОВ НОМИ БЕРИЛСА...

ЯҚИНДА «Оҳангарон» рўзномасида босилган маҳаллий театршунос Ҳалима Имомалиеванинг мақоласини ўқиб, хурсанд бўлдим. Унда шаҳримиздаги «Восход» кинотеатрига Ҳамза Умаров номини бериш таклифи ўртага ташланган. Дарҳақиқат, Ҳамза Умаров ўзига хос салоҳиятга эга бўлган кино ва театр актёри, кўпгина ҳаётий роллари билан ўзбек томошабинларининг қолаверса, қардош халқлар қалбига ўчмас из қолдирган санъаткорлардан биридир. Афсуски бу ажойиб актёр ва дилкаш инсоннинг истеъдоди ҳали тўла баҳолангани йўқ. Шу бо-

исдан кинотеатр пештоқида унинг номи пайдо бўлса, бу жумҳуриятимизда унинг номидаги дастлабни санъат даргоҳи бўларди. Инсон ўтиб кетган бўлсада, унинг руҳи фаришталардай биз билан ёнма-ён, меҳр-муҳаббат ва яхшилик хизматларини адо этиб юради, дейишди. Ҳамза Умаров ҳам ана шундай ҳамшира барҳаёт кишилар сирасига кирди. Шу боисдан унинг руҳи шод бўлсин десак ноҳиямиздаги кинотеатрга унинг номини берайлик. Ф. ПАРДАЕВ, ноҳия Кенгашни ижроия қўмитаси бўлим мудир.

БУ ҲАМ-ИҚТИСОД

Ўқувчиларнинг сабрсизлик билан кутган ёзги таътиллари ҳам етиб келди. Аммо мактаблар ўз ўқувчиларини осонликча қўйиб юбормоқчи эмас. Барча юқори синф ўқувчилари ижтимоий фойдали меҳнат тарзида бир ой мактабга ёр-

дам беришлари шарт. Бу — мактаб ўқувчилари ёзги таътилда бекор юрмасинлар, деб ўйлаб қилинган иш. Улар мактаб атрофини супуриб-сидиритишди, тозалашди, лекни бу ижтимоий меҳнат деярли фойдали эмас. Хўш, нима қилсак

фойда келади? Узингизга маълум, бозор иқтисодиётига ўтганимиз муносабати билан барча нарсаларнинг нархи ошди. Шу жумладан, мактаб формаларининг ҳам. Шундай экан, нега ҳар бир мактаб ўз-ўзини таъминламайди. Қизларимизнинг деярли ҳаммаси бичиш-тикишни билишди, бунинг устига мак-

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

ЯҚИНДА Горький номи майдондан Юнусобод даҳасига қатновчи 83-автотубсга ўтирдим. Дарҳол эътиборимни тортган нараса — тўғримадаги жойга ёпиштириб ташланган суратлар бўлди. Бу суратларнинг деярли ҳаммасида беҳаё, ярим яланғоч қизлар тасвирга туширилган. Автотубсга чиққан кишининг кўзи албатта, буларга тушиши табий. Йўловчилар орасида эса нуруний отахонлар, онахонлар, ўрта ёшли аёллар, қизлар, ёш болалар бор эди. Ана энди томошани кўринг. Жамоат транспортга илби ташланган бундай ҳаёсиз суратларни қандай тушуниш мумкин. Буни кўриб биргина мен эмас, кекса ёшдаги отахонлар ҳам ранжиди. Чунки у болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Миллий урф-одатларимизни тиклаётган бир пайтда, айниқса, аёлларимиз, қизларимизни ўнғайсиз аҳволга туширишининг нима кераги бор. Бундай «тижорат»чи жа-

моат транспортларини кўлаб келтириш мумкин. Тошкентдай шаҳри азиямда одобсиз ҳайдовчиларни тартибга қақириб қўйиш мумкин эмасми? Ҳозирги миллий қадриятлар тикланаётган бир пайтда одоб-ахлоқимизга путур етказаятган бундай «тижорат»чиларга бефарқ қараб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Кўз кўрса уяладиган суратлар ўрнига кишиларни одамийликка, меҳр-муруватга ундовчи ёни ҳадисдан ахлоқ-одобга чорловчи насихатли сўзларни ёзиб қўйсак қандай фойдали. Шунда ҳеч ким ўнғайсиз аҳволга тушмайди. Йўловчилар автотубсга чиққанда кўзини олиб қочмасдан, «Йўлингиз беҳатар бўлсин» ёки «Оқ йўл» деган сўзларни ўқишганига не етсин. Хуллас, жамоат транспортлари ҳам маданиятимизга хизмат қилсин, деган истагимиз бор. Р. МЕНГИРОВ, ТошДУ толиби.

НАРГИЗА ҚУШОҚБОЕВА, Тошкентдаги 138-мактаб 10-синф ўқувчиси.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» - РЎЗНОМАМИЗ

Меҳмонон

• МУШОИРА •
ДАРДАЛАШУВ

— Бизнинг юрт жаннатдан бир қитъадир.
 Фаёзулло МАРҒИЛОНИЙ,
 Саудия Арабистонидagi ўзбек.

Меннинг қитъа қарангларни қўйма олтин,
 Оқар суяннг ширин эди нузги болдин,
 Тирки топан жаннатсан одам зоти,
 Кимлар сени абсор этди,
 Сарқ дарда дучор этди!
 Сурхонингда анор гули наҳрабодур,
 Ёбонингда бодоқларинг тахт ёғодир,
 Қовун-тарвуз курсонингда селитродур,
 Кимлар сени бамор этди,
 Табнатинги хор этди!
 Ипак эдинг, арқонинги бўз билдило,
 Гаҳар эдинг, нархонг қаро туз билдило,
 Қисмат демай, сени ризку рўз билдило,
 Сени ким гағмузор этди,
 Моли арзон бозор этди!
 Мен-ку булбун юласндан дилим ёнган,
 Ватан — десам, кўякинда тилим ёнган,
 Эллик йилдир сениг отар йўлим ёнган,
 Уяр мени аттор этди,
 Меҳрингда қардор этди!
 Шукрим, кетгум юрагимга байрам билан,
 Узрким, кетгум куйдиргинг алам билан,
 Узрким — гўрда, сен пойгадқа қолган Ватан,
 Ким сени махзутор этди,
 Тақдиринги қимор этди!
 Олдин ҲОЖИЕВА,

ТОНГ САҲАР КИРДИНГ ДИЛИМГА

Тонг-саҳар кирдинг дилимга нур бўлиб,
 Ё садаф бағрида ёнган дур бўлиб,
 Маъносۇ мазлул эди дил хонаси,
 Кетди бирдан гурирлаб, мазмуру бўлиб,
 Яқинлаб кетди жаҳонни ногатон,
 Қилмайиб қошмида турдинг хур бўлиб,
 Чарх урарди кўриб бўстонлар аро,
 Ҳў-Ҳўнда йўқ эдим махзуру бўлиб,
 Битта зарра кўларимга қонот,
 Битта уммон қатрақ биллур бўлиб,
 Қайта Тоҳир, қайда Фарҳод, қайда Қайс,
 Энди юрғилир нечук мағруру бўлиб,
 Сўлашардинг гоҳ фироқу, гоҳ арза,
 Гоҳ саволу, гоҳ жавобу махзуру бўлиб,
 Соҳларинг ўйнаб паридек, шўх эдинг,
 Мен томоша тахтида қафғуру бўлиб,
 Маст эдим андоқ ҳаёлинг илғида,
 Уйғотиб кетди шамол хур-хур бўлиб.
 Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ОЙНОМА ВА МУШТАРИИ

ХАМРОХ

— Раҳмонвал...
 Илк бор ситирларим оч қолди. Илк бор болалиқнинг содда тафаккури нимадандир безовталанди, шу-шу ҳайратлар дунё сирлари юм бўла бошди кўзларимга.
 Ва ҳар ҳафтаида кўшин Раҳмонвал обомнинг чордонда ҳар йилдаги тўлиқ тақлим-тақлим «Шарқ юлдузи» биттадан намаяверди. Мен бунда адабиётимизнинг не бди-не бир атоқли намонийдаларини танидим.
 Ёз ўтиди, «Шарқ юлдузи» мактаб суғимга ҳам оғирлиқ қилмади. Мен текин китоб



Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг адабий бўлиб, ижтимоий-сиёсий нашри — «Шарқ юлдузи» жамоаси ойнамагинг 60 йиллик тўйини нишонлашга шуфта тарафидан кўрмоқда. Суратда: жамоа ходимлари ойнамагинг навбатдаги со- нини режалантиришмоқда.

ЯССАВИЙ

Юдузларинг шивирини тингла, дея
 Юрагининг гувурини англа, дея
 Ҳақ шикда жигар-бағри кул-ку,
 Йўмонини ҳақ йўлга бошланг, бобо,
 Ким пайда, кимлар отлик кетиб борар,
 Ким шакари ким оғулар ютиб борар,
 Водариго, аҳли фано ўтиб борар,
 Моуанлар кўзларини ёнганг, бобо,
 Юдузларинг шивирини маст бўдим-о,
 Туркистонда мисли хору хас бўдим-о,
 Осиёларинг кўрағида сас бўдим-о,
 Орифларинг диюганин хушланг, бобо,
 Жаҳд қилдим, тари айлади кибру ҳаво,
 Уздан кечиб, факридақа бўлдим адо,
 Ҳақ йўлда ўзи кўлар қодир ҳудо,
 Пир деб тутсам, кўларимдан ушланг, бобо.
 Абдулмажид АЗИМ.

тошгадим. Узун қиш кеча-ларни, уйимизда «ойнаб жихон» йўлғида ҳам ўқинг-мадим. Мен уни кўнуда ўқидим, мен уни уйда ўқидим, тўю ўйинларга киргим кел-май қолди.
 Ойнамадан ўқитанларимни болаларча тўқиндиладим.
 билан ёшу каттага сўзлай-вердим. Қишлоғимизда Тоғай боло деган жаканга камтарин одам бор. Оқдий сувчи. Юз-лари қорайиб кетган иссиқ-дан. Назаримда, дунёдан одамлар ачида энг яхшиси шу киши эди. Гоҳи кўзига қўқсаб, уни далага ақлаб борардим. «Шарқ юлдузи»дан гапир», дедим у ҳам...
 Фақат «ўзимнинг гап-ларимга эга бўлганг, мактаб-нинг 7—8 синфида ўқитган давримда ойнама тасвирда ул-бул нарса қоралиш бошла-дим. Шейрий оҳанглар сий-

ОДАМ

боласининг ўзини юпатиш учун ўйлаб топладиган баҳоналари-ю вақ-сонларни кўп экан. Булар шундай тўқилдики, гоҳи чордадан ҳам шунча бўл-са керакки деб ишониб ха-қ қолсан, киши... Албатта, Мир-обид ҳам бу оқилликдан ҳоли эмас. У табиятидаги суст-кашлиқни тузалмас иллат, сўт билан кирган жон билан чиқадди, деб ўйлаб ўзига-ўзи таскин берарди. Бора-бора таскин-тасаллилар юра-гига сиймай қолиб, Олапар-га арнайдиган бўлди;
 «Э, агар билсанг, киши-нинг ҳаёти тарозини шайни-дек чайқалиб турар экан. Ҳеч ким қамоққа тушиб қолишдан ҳоли эмас. Олай-лик, ўғирлик қилмагансан, пора олмангансан, лекин ку-тилмаганда машининг билан қайсида бирдан бечорани ўриб кетасан-у ҳаётинг ос-тин-устун бўлади. Алла-у ил-тироб, уйғусизлик... Кечин-чү ўятганг умрингдан норози-эдинг, буғун эса худдан ўша нушларни кўрсатсан. Ҳақ, ношукур банд-я! Кейинги пушаймон — ўзингга душ-ман. Энди қанча оҳ урма, бе-фойда!

Абдусаттор ҲОТАМОВ

ОЛАПАР

• Ҳикоя •

кайфиятини кўрсанг гўё лоторейдан «Волга» ютган-декман. «Ҳотин» — дедим уй-га келиб, — кувон, елкамиз-га офтоб төгидиган бўлиб қолди. Энди имсан, шеф по-варман! Қозон ҳам, кўичи ҳам мой. Ҳа, энди рўзгорини гул-латмага эриқ эркинми!...
 Олапар мудардари. Эгаси-нинг индамай қолганини се-зиб кўзларини очди. Қад-дини ростлаб унга термулди.
 Миробид билардики, ди-ректорнинг дастурхони очик. Ошна-оғиники кўп. Катта амалдорлар билан оғиз-бу-ручи ўпишган. Гоҳида ке-ку-рунлар шидан ҳориб-чарчаб ўйнай қайтарган, кўча бўйи-даги узузоғига қарарди. Да-рактлар. Меҳмонхона кўри-мас, лекин ўзи томондан ту-тун чиқар, димоққа арча ўти-нида пившавган қабоб ҳиди урилларди.


